

«ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»ДА КЎП МАЪНОЛИ ФРАЗЕМАЛАРНИ ИЗОҲЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Д.Абдуллаев,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат
университети, Ф.ф.ф.д. доц.,

Аннотация: Ушбу мақолада ҳар бир тил тараккиётида асосий семасиологик конун ўша тил бирликлари кўп маъноли (полисемантик) хусусиятга эга бўлиши билан алоқадорлиги ўрганилган.

Калит сўзлар: маъно ўзгариши, арсенал, ибора, ёрқинлик, таъсирчанлик, коммуникатив алоқа, ижтимоий ҳодиса, фразеологик тизим, фразеологик тизими.

Маълумки, тил ҳаракатдаги ижтимоий ҳодиса сифатида шароит тақозосига мувофиқ равишда мунтазам янгиланиб туради. Ижтимоий ҳаётда юзага келадиган ўзгаришлар лисоний муносабатларга ички ва ташқи омиллар шаклида таъсир ўтказади. Шунини ҳисобга олган ҳукуматимиз тил сиёсатини такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарори билан кўп жилдли ўзбек тили изохли луғатини тузиш вазифаси давлат дастурига киритилади. Уни нашрга тайёрлаш боғлиқ ташкилий ишлар ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фолклори институти) зиммасига юклатилди. Жорий ҳолат муайян илмий ва амалий эҳтиёж ҳосиласи саналади. Негаки, 60 минг сўз ва сўз шаклидан иборат амалда мавжуд икки жилдлик «Ўзбек тилининг изохли луғати» (1981), биринчидан, кейинги йилларда ўзбек амалий лексикографияси эришган ютуқларни қамраб олмаган, иккинчидан, эскича андозадаги луғат мақоласи янги давр дунёқарашидаги кемтикликни тўлдира олмайди, учинчидан, тўлдирилган ҳамда бойитилган ҳар бир янги манбада сўз шакли маъно силжиши жараёнида грамматик тафовутланади.

Сўз ва унинг маъноси тўғрисида тўлиқ этимологик маълумот беришга ихтисослашган 5 жилдлик «Ўзбек тилининг изохли луғати» (2006-2008) А.Мадвалиев таҳрири остида чоп этилиши маданий ҳаётимизда жиддий ҳодиса ҳисобланади. Истилоҳга янгича ёндашув, имкон даражасида адабий тилда фаол истеъмолда бўлган сўз ва сўз шаклларини қамраб олишга майл, маъно изохланиш тамойиллари тизим шаклида ифодаланиши шундан далолат беради. Имло, талаффуз, сўз яшаш ҳамда нутқда воқеланиш меъёрлари орасидаги грамматик белгилар тафовути масала моҳиятини ойдинлаштиради.

Изоҳли луғатда, энг аввало, маъно чегараси белгилаб олинади. Лексик бирликка тенглаштирилган иборада семантик муносабат асосий ўринга кўтарилади. Бош сўз ва устама маъно шарҳини ҳар хил типдаги луғат ҳаволаси муқоясасида ўрганиш муаммога тўғри ёндашувни кафолатлайди. Бинобарин, ФБ учун хос хусусият унинг кўп маънолилиги билан ўлчанади. Шу жиҳатдан, ўзбек тилидаги полисемантик иборалар асосий қисми икки маъноли таркибга таянади. Ш.Раҳматуллаевнинг "Ўзбек тили фразеологик луғати" (ЎТФЛ)¹да бундай иборалар асосан бир маънога бирлашувчи полисемантик фразеологизмлар деб юритилади. Аслида, "фразеологик полисемия деганда иборанинг ўзи биттадан ортиқ фразеологик маъно англатишини тушунамиз. Вазифа ана шу фразеологик маъноларнинг ўзаро муносабатини ўрганишдан иборат"². Масалан, тилимизда "ади-бади айтишмоқ" полисемантик ибораси бўлиб, ЎТФЛда унинг қуйидаги икки маъноси қайд қилинган: 1. турли мавзуларда енгил-елпи суҳбатлашмоқ: "Қизлар ади-бади айтишиб қоронғи тушиб қолганини сезмай қолишди" О.Ёқубов. Адолат манзили. 43. 2. сўз талашмоқ, жанжаллашмоқ [ЎТФЛ, 18]: "Дарёдил шарт. Бурилиб эшикни ёпди. У яна озгина ади-бади айтишиб ўтирса, қаттиқ муштлашув бошланиб кетишини, Шаҳзода учун ўч олмай қўймаслигини, бошига тош билан ўриб, мажақлаб ташлашдан ўзини зўрга тийиб турганини биларди" М. Исмоил. Чиройлисан тенги йўқ. 40. Лекин ЎТИЛ-5 да бу ибора бир маъноли сифатида қуйидагича изоҳланган: "бир-бирига тегадиган гап-сўз қилмоқ, беҳудага тортишмоқ" [ЎТИЛ-5, 1, 40]: "У ҳазил ҳаром эканлигини ҳис этиб, ади-бадини дарҳол тўхтатганча, қўйин чўнтагида бор нарсаларни стол устига олиб қўйди" О.Мухтор. Тўрт томон қибла. 14. Бу иборанинг ЎТФЛда қайд қилинган иккинчи маъноси эса ЎТИЛ-5да "ади-бадига бормоқ" шаклида берилган ҳамда бу ибора қуйидагича изоҳланган: жанжаллашишгача **бормоқ, сан-манга бормоқ**: "Кичик ойим (уни овулдагилар ишчан аёл, барака топсин, бунақаси топилмайди, деб мақташарди) бригадир билан ади-бадига бориб ўтирмас, буюрган ишларини қилаверар, юр деганда юраверар, қўлидан сира кетмон тушмасди" Ч.Айтматов. Жамила. 5. ЎТФЛда эса "ади-бадига бормоқ" ибораси алоҳида бир маъноли ибора сифатида "жанжаллашув даражасига етмоқ" тарзида изоҳланган [ЎТФЛ, 18]: "Хонадон аъзолари йиғилгач, кечки тамадди пайтида ота ва қиз орасида ади-бади айтишув кузатилмади " Н.Исмоилов. Бахтнинг олис манзили. 146. Ибора

¹ Мазкур тадқиқот қабул қилинган шартли қисқартмалар ишнинг охирида келтирилган.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). – Тошкент: Фан, 1966. – Б.13.

ЎТИЎЛда “*ади-бади айтишди*” шаклида берилиб, унинг икки маъноси куйидаги шаклда берилган: 1) “турли мавзуда енгил-елпи суҳбатлашди”; 2) “сўз талашди, жанжаллашди” [ЎТИЎЛ,7].

Ўзбек адабий тилида қўлланиладиган “бармоғини тишламоқ” ибораси ҳам икки маъноли таркибга эга. ТФЛда бу фразема куйидаги икки маъноси кўрсатилган: 1.хеч нарса қилолмай, натижага эриша олмай лол қолмоқ: “Хонгирей бармоғини тишлаб қолса, қай аҳволга тушаркан?» Т.Малик. Шайтанат. 39.2. афсусланмоқ [ЎТФЛ, 27]: “Энди нима қилсам экан,- деди бармоғини тишлаб Рена” Н.Исмоилов. Бахтнинг олис манзили. 87. ЎТИЛ-5 да ҳам ибора икки маъноси таъкидланган: 1) афсус қилмоқ, аттанг демоқ: “- Аттанг, -бармоғин тишлади Саид” Т.Жўраев. Илинж. 133.; 2) лол қолмоқ, ҳайрон бўлиб ўйланиб қолмоқ, хаёл сурмоқ [ЎТИЛ-5, 1, 170]: “Вазият анча мураккаблашгач, бутун қисм бармоқ тишлаб қолди” Н.Исмоилов. Бахтнинг олис манзили. 76. Полисемантик ибора “ЎТИЎЛ”да «бармоғини тишлади” шаклида берилган ҳамда унинг икки маъноси куйидаги изоҳланган 1) “хеч нарса қилолмай, натижага эришолмай қолди”; 2) “афсусланди” [ЎТИЎЛ, 8]. Худди шунингдек, тилимиздаги “бошини силамоқ” ибораси ҳам икки маънолидир. Бу ибора ЎТФЛда куйидаги маънолари қайд қилинган: 1. кафт юргизиб эркалатмоқ, суймоқ, юпатмоқ: “Кампир оғир хўрсиниб, неварасининг бошини силади ва пешонасидан ўтиб қўйди” Ш.Бўтаев. Бир кунлик меҳмон. 23.; 2. ғамхўрлик қилмоқ, сийламоқ, ҳаётини енгиллаштириш йўлида ёрдам бермоқ [ЎТФЛ, 49]: “Энди у Бек ҳимоясига ўтганлиги англади, акахони унинг бошини силаши тайин” (Т. Малик. Шайтанат. 118.) ‘Бошини силамоқ’ полисемантик ибораси ЎТИЎЛда қайд этилмаган. Бу полисемантик иборанинг икки маъноси ЎТИЛ-5да куйидагича изоҳланган: 1) эркаламоқ, юпатмоқ: “Тарзан «аканг чемпион бўлади», дея қизчанинг бошини силамоқчи бўлганида у чаён чаққандек сапчиди” (Т. Малик. Шайтанат. 487.) 2) ўз паноҳига олиб ардоқламоқ, боқмоқ, тарбия қилмоқ [ЎТИЛ-5, 1, 337]: “Фарзанд сифатида бошини силасанг, кексайганингда ардоғида бўласан» (Ч.Айтматов. Жамила. 39.)

Айрим полисемантик иборалар маъноси жонли ёки жонсиз предмет, воқеа-ҳодисаларга нисбатан йўналиши нуқтаи назаридан фарқланади. Масалан, “дунёга келмоқ” полисемантик ибораси шундай хусусиятга эга. Бу ибора икки маъносидан бири жонли предмет, воқеа-ҳодисага нисбатан қўлланади, синтактик қуршови жиҳатидан “ким” ёки “нима” сўроғига жавоб бўладиган эгани талаб қилади [ЎТФЛ, 77]: “Сенинг дунёга келишинг онанг иккаламизни қанчалар хурсанд қилганди” Т.Малик. Мурдалар гапирмайдилар. 60.

Полисемантик ибора иккинчи маъноси жонсиз предмет, воқеа-ҳодиса мўлжалланган бўлади [ЎТФЛ, 77]: “*Тарихий ҳақиқат дунёга келгунча, қанчадан-қанча жонлар узилади*” (Д.Тўраев. Ҳақиқат тақозоси. 3.) ЎТИЛ-5да бу иборанинг фақат бир маъноси "туғилмоқ" тарзида қайд қилинган [ЎТИЛ-5, 1, 663]: “*Янги фарзанд дунёга келиши қанча дилларни қувонтирди*” (Даракчи. 48.) ЎТИЎЛда ҳам бу ибора моносемантик ибора сифатида таъкидланиб, "туғилди" тарзида изоҳланган [ЎТИЎЛ, 14]. Бундан кўринадики, “*дунёга келмоқ*” иборасининг мавҳум ҳодисаларга нисбатан қўлланувчи маъноси фақат ЎТФЛда тўғри кўрсатилган, биз кўздан кечирган бошқа луғатларда эса бу ибора моносемантик ибора тарзида қайд қилинган.

Изоҳли луғатда сўз шакллариининг мазмунга муносабати таҳлил қилинади. Тўғрироғи, таянч лексик бирликни урғулаш ҳамда унинг семантик сарҳадларини белгилаш талқин асосини тайинлайди. Маъно аниқловчиси, тушунча қўлланилиш доирасига ойдинлик киритиш бу типдаги луғатлар вазифасини устуворлаштиради. Тавсифий белгилар конструкциялар бирикувини ҳосил қилади. Жорий бутунлик иборани шакллантиради ва уни сўзга тенглаштиради. Луғавий маъно эса изоҳ тақозосини келтириб чиқаради. Шу маънода, семантик интерпретация жараёни фразеологик матрицалар учун ҳам қонуний шартга айланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. - Тошкент: Фан, 1983.-88 б.
2. Абдуллаев Ш. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида). НДА. -Тошкент, 2006.-21 б.
3. Абдуллаев Ш. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги «бош қотирмоқ» ибораси ҳақида // Тил ва адабиёт таълими, 2005, 1-сон, 80-82-бетлар.
4. Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и фразеологии узбекского литературного языка 20-х годов (на материале сатирического журнала «Муштум»), Автореф. дис... канд. филол. наук. - Ташкент, 1968. -23 с